

“Тошкент” Республика фонд биржаси

UZBEKISTAN COMPOSITE INDEX (UCI) индексининг таҳлили

1. UCI индексининг ҳисоблаш методологияси

Uzbekistan composite index (UCI) бу “Тошкент” Республика фонд биржасининг композит индекси бўлиб, у ўзида биржа котировокалар варағига киритилган акция эмитентларининг умумий ҳолатини акс эттиради. UCI индекси, Ягона дастурий-техник мажмуа (кейиги ўринларда - ЯДТМ) савдо платформаси орқали автоматик тарзда, реал вақтларда амалга ошириладиган савдолар натижасида шаклландиган нархларга асосан ҳисобланади. Биржа савдо куни давомида тузилган битимлардаги акцияларнинг нархлари ҳар бири UCI индексга ўз таъсирини кўрсатади. Эмитентларнинг жами капиталлашуви акцияларнинг ёпилиш нархига қараб, яъни савдо кунида амалга оширилган сўнги битим бўйича савдо тизими томонидан ҳисобланади ва шунга кўра UCI индексининг умумий вазнида ўз оғирлиги эга бўлади. Эмитентнинг UCI индексидаги оғирлиги ўзгариши бевосита эмитент капиталлашувига боғлиқ.

UCI индексининг ҳисоблаш формуласи биржанинг умумий капиталлашувига асосланган бўлиб, бунда қуйидагилар нисбат сифатида ҳисобланади:

$$Index = \frac{Market\ Cap\ current\ date}{Market\ Cap\ base\ date} * Base\ Index ,$$

бу ерда:


- **Market Cap** Current date - бу биржа котировокалари рўйхатига киритилган барча акция эмитентларининг жорий савдо санасидаги сўнги битим бўйича тизим томонидан ҳисобланган жами капиталлашуви;

- **Market Cap** Base date – бу индекс юзага келган маълум санадаги (29.08.2016) биржа котировокалари варақасига киритилган барча акция эмитентларининг сўнги битим бўйича тизим томонидан ҳисобланган жами капиталлашуви;

- **Base Index** – бу индекс кўрсаткичи учун белгиланган сон бирлиги - 1 000.

Бундан ташқари, биржа савдо тизими юқорида келтирилган методологиядан фойдаланган ҳолда эмитентларнинг қайси иқтисодий тармоқларга мансублигига кўра суб-индексларни ҳисоблайди, булар: Молиявий сектор, Саноат, Агросаноат комплекси, Қурилиш сектори, Ижтимоий соҳа, Транспорт, Савдо ва Бошқа секторлар.

2. 2022 йил давомида UCI индексининг асосий ўзгаришлари.



2022 йил якуни бўйича “Тошкент” Республика фонд биржасининг UCI индекси умумий ҳолатда пасайишни қайд этди. 247 савдо куни давомида UCI индекси 1 211,62 ва 316,36 кўрсаткичлар оралиғида тебраниди. 18 апрел санасида индекс ўзининг йил давомидаги энг юқори пағонасига (1 211,62) чиқган бўлса, 11 ноябр санасида (316,36) бунинг акси кузатилди. 2022 йил 5 январ санасида 1 059,85 кўрсаткични ташкил этган UCI индекси, 2022 йил 30 декабр санасига кўра 386,49 бирликни ташкил этди ва умумий ҳисобда 63,53% га пасайди.

2022 йил мобайнида UCI индексидан кузатилган асосий ўзгаришлар:

1. 2022 йилнинг 5 январ санасида 1 059,85 бандни кўрсатган UCI индекси 10 феврал санасигача умумий ҳолатда 13,18% га ўсишни кўрсатган. Биржа капиталлашуви ҳам, ушбу саналар оралиғида мос равишда 55,72 трлн сўмдан 64,57 трлн сўмга (+15,89%) ўсган. Ушбу ҳолатда, биржа котировкалар варағида мавжуд бўлган акция эмитентларининг савдо нархи 3,73% га ўсган.

2. 2022 йилнинг 10 феврал санасидан 16 февраль санасигача UCI индекси 1 199,53 поғонадан 1 065,64 поғонагача (-11,16%) пасайишни қайд этган. Индекснинг сезиларли даражада пасайишига асосан банк соҳасидаги эмитентларнинг таъсири катта бўлиб, кўрсатилган давр мобайнида “Agrobank” АТБ, “Trastbank” ХАБ ва “Turonbank” АТБ оддий акциялари нархлари мос равишда 36,63%, 42,40% ва 52,00% га пасайишни қайд этган ва биржа капиталлашувининг 11,10% га камайишига олиб келган.

Эмитент номи	16.02.2022-йил учун акцияларнинг ёпилиш нархи, сўм	17.02.2022-йил учун акцияларнинг ёпилиш нархи, сўм	Нарх ўзгариши, %
"Agrobank" АТБ	788,99	500	-36,63%
"Trastbank" ХАБ	12 500	7 200	-42,40%
"Turonbank" АТБ	2 500	1 200	-52,00%

2022 йилнинг 1 апрел санасидан “Тошкент” РФБ, биржа котировкалар варағига киритилган эмитентларининг акциялари билан бўлган савдо натижалари “Тошкент” Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш” қоидаларининг XXVI-боб “Қимматли


қоғозларни котировка қилиш (нархини аниқлаш) тартиби” тўғрисидаги 136-1 ва 137 бандларида кўрсатилган талабларга (кейинги ўринларда – котировка талаблари) асосан ҳисоблана бошланди.

3. 2022 йил 18 апрелда UCI индекси 1 211,62 кўрсаткичдан, 2022 йил 22 апрелда 737,56 бирликка, яъни, 39,13%га пасайди. Биржа капиталлашуви ҳам мос равишда 151,53 трлн сўмдан 89,95 трлн сўмга тушди. Ушбу даврдаги ўзгаришлар “O'zmetkombinat” АЖнинг оддий ҳамда имтиёзли акцияларининг сони 1 акцияга нисбатан қўшимча 10 та акция чиқарилиши билан кўпайтирилган ва ўз навбатида сўнгги савдо жараёнидаги мазкур акцияларнинг нархига нисбатан ҳисобланганда эмитент капиталлашуви миқдори ЯДТМ тизми томонидан индекс ҳисоблаш жараёнига ўз таъсирини кўрсатган. Бунда, 14 апрель санасида “O'zmetkombinat” АЖнинг 5,99 трлн бўлган капиталлашуви ҳажми, 15 апрель куни ЯДТМ тизимига қўшимча чиқарилган акциялар сони қўшилганидан сўнг 68,19 трлн сўм сифатида акс эган. Биржа томонидан қўшимча чиқарилган акциялар сонига нисбатан акцияларнинг нархи коррекция қилинунига қадар индекс кўсаткичида сезиларли даражадаги ўсиш қайд этилган (1 211,62). Ўз навбатида “O'zmetkombinat” АЖ акцияларининг нархи 1/11 нисбатда коррекция қилинганидан сўнг капиталлашув ҳажми ва унга параллел равишда индекс кўрсаткичида пасайиш кузатилган. Шундан сўнг, жамиятнинг капиталлашуви 6,82 трлн сифатида биржа маълумотларига мос равишда мувофиқлашган. Шу билан бирга, мазкур даврда яъни 22 апрель куни, “Тошкент” РФБ томонидан биржа листинг шартларига тўғри келмаган (биржа листинг талабларига номувофиқ) ва “Транзит” категориясига ўтказилишига розилик билдирмаган, умумий капиталлашуви 0,7 трлн сўм бўлган 35 та эмитент қимматли қоғозлари биржа котировкалаш варағидан чиқариб юборилган (делистинг) ва шулар таъсирида индекс 737,56 кўрсаткичка пасайган.

4. 2022 йил 20 майдан, 3 июн санасигача UCI индексида 732,57 ва 981,84 кўрсаткичлари оралиғида тебранишлар кузатилган бўлиб:

- 20 май санасининг савдо якунлари бўйича 805,95 бирлик, биржа капиталлашуви эса 95,11 трлн сўм;
- 24 май санасида 981,84 бирлик (+17,91%), биржа капиталлашуви эса 116,18 трлн сўмни (+22,15%);
- 27 май санасида 701,1 бирлик (-28,59%), биржа капиталлашуви эса 84,27 трлн сўмни (-27,47%);
- 31 май санасида 895,48 бирлик (+27,72%), биржа капиталлашуви эса 107,46 трлн сўмни (+27,52%);
- 2 июнь санасида 732,57 бирлик (-18,19%), биржа капиталлашуви эса 86,66 трлн сўмни (-19,35%), кўрсаткичлар қайд этилган.

Бунга асосий сабаб қилиб “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ нинг оддий акциялари билан бўлиб ўтган савдоларни кўрсатиш мумкин. Юқорида келтирилган саналар давомида эмитентнинг бир дона акциясининг нархи 100 - 1 000 сўмгача бўлган оралиқда инвесторлар томонидан сотилган ҳамда сотиб олинган. Аммо ушбу битимлар ҳажми оз миқдорни ташкил этган. Эмитент акциялари билан бўлган савдо натижалари “Тошкент” Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш” қоидаларининг XXVI-боб “Қимматли қоғозларни котировка қилиш (нархини аниқлаш) тартиби” тўғрисидаги 136-1 ва 137 бандларида кўрсатилган талабларга (кейинги ўринларда – котировка талаблари) жавоб бермаганлиги учун, ушбу эмитент акцияларига юқорида келтирилган саналар давомида котировка нархи белгиланмаган. Шу сабабдан, эмитентнинг акцияларига оралиқ нарх чегаралари белгиланмаган (спред) ва натижада, эмитентнинг капиталлашуви белгиланган санадаги охириги савдо битимида аниқланган нархи (closing price) бўйича ҳисоблаган ва эмитентнинг капиталлашуви 24 май санасида 35,3 трлн сўмга, умумий биржа капиталлашуви эса (116,17 трлн сўм) 30,38%га ошгани кузатилган. Бу ўз навбатида умумий биржа капиталлашувига яқиндан боғлиқ бўлган UCI индексига ўз таъсирини кўрсатган ва тебранишлар кузатилган (бу ҳолат индексдаги кейинги асосий ўзгаришларда ҳам намоён бўлган).



5. 2022 йил 6 июлдан 7 июлга қадар UCI композит индекси ва биржа капиталлашуви мос равишда 12,12% ва 12,50% га ўсишни кўрсатди. Бу ҳолатда, “Garantbank” АТБ /GRBK/ ҳамда “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ оддий акцияларининг нархлари мос равишда 10 ва 5 баробарга ошганини такидлаш мумкин. 8 июль санасида эса UCI индекси 827,71 кўрсаткичидан 649,66 кўрсаткичга (-21,51%) пасайган. Бунга асосий сабаб сифатида “O'ztransgaz” АЖ оддий акцияларининг келтирилган саналардаги савдо сессиялари якунлари бўйича мос равишда 30 000 сўмдан, 10 000 сўмгача бўлган оралиқда савдо нархи пасайганлигини ва эмитентнинг капиталлашуви 18,67 трлн сўмдан, 6,23 трлн сўмгача камайганлигини кўрсатиш мумкин. Ушбу эмитентнинг савдо ҳажми юқорида келтирилган котировка талабларига жавоб бермаган. Шунга кўра эмитентнинг котировка нархи белгиланмаган ва нарх диапазони эркин равишда кескин кўтарилган ва тушган. 21 июль санасида инвесторларнинг “Тошкент” РФБ савдо платформасида тузган битимлари натижасида “O'ztransgaz” АЖнинг 1 дона оддий акцияси нархи 30 000 сўмни ташкил этган, шунингдек, эмитентнинг капиталлашуви аввалги қийматига қайтган. Бу ҳолат индексга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб ушбу даврда UCI кўрсаткичи 16,85%га ошган.

6. 2022 йил 11 август ва 17 август саналарида “Тошкент” РФБнинг UCI композит индекси сезиларли даражада тебранишлар кузатилди, яъни, 11 август савдо сессияси якунида индекс 8,42% га тушиб, 781,95 бирликни, ўз навбатида биржа капиталлашуви ҳам 8,15% га тушиб 87,76 трлн сўмни ташкил этган. Шундан сўнг 17 август санасида индекс 10,64%га ўсган ҳолда 829,27 бирликга етган, биржа капиталлашуви эса 10,59% га ошиб 92,44 трлн сўмни ташкил этган. Ушбу тебранишга “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ нинг оддий акциялари нархининг кескин ўзгариши сабаб сифатида кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳолатда ҳам эмитентнинг акциялари учун котировка нархи юқорида келтирилган сабаблар туфайли белгиланмаган ва натижада индексда кескин тебранишлар кузатилган. Қуйидаги жадвалда эмитентнинг келтирилган саналарда 1 дона акцияси савдо нархидаги ўзгаришлар акс эттирилган:

Сана	Акциянинг ёпилиш нархи, сўм	Нархлар ўзгариши, %	Эмитент капиталлашуви, млрд сўм
10 08 22	200	11,11%	8 998,07
11 08 22	15,01	-92,49%	675,30
12 08 22	16,51	9,99%	742,79
15 08 22	17,03	3,14%	766,18
16 08 22	31,01	82,09%	1 395,15
17 08 22	199,99	544,92%	8 997,62

Жадвал маълумотларига кўра, 11 августдан, 17 августгача бўлган даврда инвесторлар, номинал нархи 1 сўм бўлган “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ нинг оддий акциялари билан 15,01 – 200,00 сўм нарх оралиғида битимлар туздилар, бу эса ўз навбатида эмитент капиталлашувини 8,99 трлн сўмдан, 675,31 млрд сўмгача тушишига олиб келиб, индекс ҳолатига ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатган.

7. 2022 йилнинг 19 август санасидан 30 август санасига қадар UCI индексда капитализацияга тескари равишда ўзгариш кузатилган бўлиб, капитализация 50,82%га ошган даврда индекс 793,02 бирликдан 502,86 бирликка пасайиб борган. Капитализациянинг ошишига асосий сабаб ушбу давр оралиғида инвесторлар томонидан юқорида келтирилган сабабларга кўра котировка нархи мавжуд бўлмаган эмитент акциялари, “Ipak Yo`li” АИТБ ва “O`zbekko`mir” АЖ, оддий акциялари билан бўлиб ўтган савдоларда, акциянинг савдо нархи мос равишда 11 ва 27 бараварга ошгани қайд этилган бўлиб, капитализация ўртача 90,10 трлн сўмдан 115,00 трлн сўмгача ошган. Аммо, ушбу давр оралиғида “Kapital sug`urta” АЖ (-91,67%), “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ (-86,32%), “Bekobodsement” АЖ (-37,50%), “O`zmetkombinat” АЖ (-10,27%), “Trastbank” ХТБ (-9,55%), “Chilonzor buyum savdo kompleksi” АЖ (-9,09%) “Kvarts” АЖ (-5,72%), “Quvasoysement” АЖ (-5,17%) ва “O`zRTXB” АЖ (-4,08%) нинг оддий акциялари савдо нархи сезиларли даражада пасайган. Айнан шу ҳолат, индекснинг қуйи нуқтага тушишига олиб келган.

8. 2022 йилнинг 20 сентябрда индекс 15,60%га ошгани қайд этилган. Бу ижобий ўзгариш қисқа муддатли бўлиб, 22 сентябрда ушбу кўрсаткич 426,00 бирликдан 337,84 бирликка пасайган ва бундай тебранишлар 4 октябр санасигача давом этган, 4 октябр санасига индекс 346,09 бирликни кўрсатган ва -14,10% га тушган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, индекс кўрсаткичи ушбу вақт оралиғида биржа капиталлашувининг умумий миқдори билан параллел тарзда ўзгариб турган бўлиб, бу тебранишларга асосий сабаб “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ оддий акцияларининг савдо баҳосидаги нобарқарор ҳолати ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда ушбу эмитент оддий акциялари билан инвесторлар томонидан бўлиб ўтган савдо натижалари орқали шаклланган нархлар келтирилган:

Сана	Акциянинг ёпилиш нархи, сўм	Нархлар ўзгариши, %	Эмитент капиталлашуви, млрд сўм
19 09 22	40,01	0,00%	1 800,06
20 09 22	400	899,75%	17 996,14
21 09 22	400	0,00%	17 996,14
22 09 22	30,01	-92,50%	1 350,16
23 09 22	30,01	0,00%	1 350,16
26 09 22	350	1066,28%	15 746,62
27 09 22	350	0,00%	15 746,62
28 09 22	350	0,00%	15 746,62
29 09 22	30	-91,43%	1 349,71
30 09 22	290	866,67%	13 047,20
04 10 22	25,01	-91,38%	1 125,23

Жадвал маълумотлари шунинг кўрсатадики, “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ оддий акцияларининг нархи берилган давр мобайнида деярли 10 бараварга ошган ва худди шунчага пасайгани кузатилган. Бу ҳолатда ҳам эмитентнинг акциялари билан тузилган битимлар ҳажми котировка талабларига жавоб бера олмаганлиги сабабли эмитентнинг акция котировка нархи белгиланмаган ва юқори тебранувчанликга олиб келган. Бунда эмитентнинг капиталлашуви ҳам сезиларли даражада ўзгариб турган ва индексга ўз таъсирини кўрсатган.

9. 2022 йилнинг 13 октябр санасидан 19 октябр санасигача UCI индекси 338,50 ва 385,04 бирлик оралиғида тебранишни қайд этди. Индекс 13.10.2022 ҳолатига кўра 347,16 бирликни ташкил этган. 14 октябр санасининг савдо сессияси якунида бир қатор эмитентларнинг акциялари нархи кескин ошган, булар, “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ 40 сўмдан 225 сўмга (+462,50%) ва “Qishloq Qurilish Bank” АТБ /KKBN/ 120 сўмдан 250 сўмга (+87,50%). Ушбу ўзгаришлар биржанинг умумий капиталлашувини 10,41% га ошишига ва 99,90 трлн сўмни ва

UCI индексини эса 10,22% ошишига ва 382,64 бирликга йетишига сабаб бўлди. 18 октябр ва 19 октябр саналарида бўлиб ўтган савдолар натижасида, индекс, мос равишда 359,36 (-6,67%) ва 338,50 (-5,80%) га тушди. Мазкур ҳолатга асосий сабаб сифатида, “O‘zbekkomir” АЖ /UZIR/ ва “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ оддий акциялари нархларининг мос равишда - 81,99% ва -58,33% га ва капиталлашувини ҳам мос равишда 4,36 трлн ва 6,30 трлн сўмга пасайганлигини кўрсатиш мумкин. Яна шуни такидлаш керакки, юқорида кўрсатилган давр мобайнида келтирилган эмитентларнинг акциялари учун чегаравий нарх диапозони (спред) мавжуд бўлмаган ва инвесторлар эркин нарх диапозонида савдо қилишган.

10. 2022 йилнинг 16 ноябр савдо сессияси якунида UCI индекси 367,14 пунктда тўхтади ва 13,54% га ўсишни кўрсатди. 17 ноябр санасида эса индекс 317,41 пунктни ташкил этди ва - 13,55% га пасайди. Ушбу саналар оралиғида, инвесторлар, чегаравий нарх диапозони бўлмаган “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ нинг оддий акциялари билан 40,01 ва 299,98 сўм оралиғида битимлар тузишган. 15 ноябр савдо сессиялари якунида, сўнги битим ёпилиш нархи 34,03 сўм бўлган “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ нинг оддий акциялари, 16 ноябр савдо сессияси якунида 299,98 сўмни ва 17 ноябрда 40,01 сўмни ташкил этган. Натижада, 15 ноябр санасида, эмитент капиталлашуви 13,50 трлн сўмни ташкил этган ва 11,97 трлн сўмга ўсган, бу эса индекс ҳолатига ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатган.

11. 2022 йилнинг 11 ноябр санасидан бошлаб йил якунигача UCI индекси умумий ҳисобда 22,17% ўсишни қайд этди. Ушбу давр мобайнида, биржа котировка варағида бўлган эмитентларнинг акциялари нархи, умумий ҳисобда 4,48% га ошган. Шунингдек, UCI индексининг умумий вазнида 75% дан ошиқ оғирликни ташкил этувчи 11 та эмитентнинг акциялари нархи ҳам 27,96% га ўсишни қайд этган.

Эмитент номи	11.11.2022-йил учун акциянинг ёпилиш нархи, сўм	30.12.2022-йил учун акциянинг ёпилиш нархи, сўм	Нарх ўзгариши, %
“O‘zbekneftgaz” АЖ	500	500	-
“O‘ztransgaz” АЖ	20 000	25 000	+25,00%
“O‘zbekko‘mir” АЖ	21 211	29 999	+41,43%
“Trastbank” ХАБ	9 000	9 500	+5,56%
“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ	31,01	112,63	+263,21%
“Agrobank” АТБ	380	640	+68,42%
“O‘zmetkombinat” АЖ	7 300	9 350	+28,08%
“Mikrokreditbank” АТБ	1 000	1 000	-
“Qishloq qurilish bank” АТБ	200	195	-2,50%
“Ipoteka-bank” АТИБ	0,71	0,88	+23,94%
“O‘zsanoatqurilishbank” АТБ	11	10,1	-8,18%

3. Хулоса

Индекснинг юқорида таъкидланган ҳолатлардаги барча ўзгаришларига асосий сабаб сифатида, ушбу ҳолатларда келтирилган эмитентларнинг акциялари бўйича котировка нархи мавжуд бўлмаганлигини кўрсатиш мумкин. Чунки, юқорида келтирилган даврлар мобайнида эмитентларнинг акциялари билан амалга оширилган савдолар ҳажми уларга котировка нархини шакллантириш учун етарлича бўлмаган ва шу сабабдан, инвесторлар эмитентларнинг қимматли

қоғозлари билан оралиқ нарх чегараларисиз (спредсиз) савдоларни амалга оширишган. Бу эса ўз навбатида акцияларнинг савдо нархларини юқори даражада тебранишига олиб келган.

Шунингдек, юқорида келтирилган UCI индекс ҳисоблаш методикаси ва 2022 йил мобайнида, индексда кузатилган асосий ўзгаришлардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, UCI индексидаги ўзгаришлар савдо ҳажми ёки сотилган акциялар сонига эмас, балки, биржа котировка варағидаги акция эмитентларининг капиталлашувига узвий боғлиқ бўлиб, акциянинг жорий биржа савдоларидаги нархи ўзгариши ўз-ўзидан индекснинг ўзгаришига олиб келади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ва ҳозирги мавжуд шароитда мавжуд UCI индекси бозорни ва ундаги ҳолатни тўлақонли ва ҳолис намоиш қилиб бера олмаганлиги сабабли, “Тошкент” РФБ томонидан изланишлар олиб борилмоқда ва фонд бозоридаги реал ҳолатни, умумий тенденцияларни тўлақонли акс эттириш мумкин бўлган индекс яратиш устида иш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан “Тошкент” РФБ сизнинг таклиф ва муносабатларингизни қуйидаги электрон манзилга юборишингизни сўрайди: analytics@uzse.uz

Таҳлил “Тошкент” РФБ мутахассиси, М. Тухтасинов, томонидан тайёрланди. Мазкур таҳлилда мутахассис фикрлари акс этган бўлиб, таҳлилда вужудга келган ҳар қандай хато ва камчиликлар бўйича барча савол ва мурожаатларингизни analytics@uzse.uz электрон почта манзилига йўллашингизни сўраймиз. Сизнинг мурожаатларингиз келгусида тайёрланадиган таҳлилий шарҳларни янада кенгроқ форматда ёритиб боришда фойдаланилиши мумкин.

Ушбу таҳлилий материал фақат маълумот бериш мақсадида тайёрланган бўлиб, бозор иштирокчиларига сотиб олиш, сақлаш, сотиш, инвестиция қилиш ёки бошқа молиявий қарор қабул қилиш учун асос бўлмайди.